



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

2021 йил – Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2021 йил 19 август, № 175 (7955)

Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



Янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон яшайлик!

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ГЕРМАНИЯ КАНЦЛЕРИ БИЛАН МИНТАҚАДАГИ ВАЗИЯТ РИВОЖИНИ МУҲОКАМА ҚИЛДИ

18 август куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Германия Федерал Канцлери Ангела Меркель билан телефон орқали мулоқоти бўлиб ўтди.

Суҳбатда етакчилар икки томонлама кун тартибдаги долзарб масалаларни қўриб чиқдилар ҳамда Афғонистондаги воқеаларнинг ривожланиши нуктаи назаридан минтақадаги жорий вазият юзасидан фикр алмашдилар.

Ушбу мамлакатда кескинлик ва зўравонликнинг авж олишига йўл қўймаслик, шунингдек, афғон можаросини сиёсий йўл билан тартибга солишни халқро ҳамжамият томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш масалаларида икки мамлакатнинг позицияси яндашувлари мос экани алоҳида таъкидланди.

Фуқароларни Афғонистондан авиация транспортida Ўзбекистон ҳудуди орқали транзит йўли билан Германияга эвакуация қилиш бўйича гуманитар операцияларни амалга оширишда яқиндан мувофиқлашувни ва фаол идоралараро ҳамкорликни давом эттиришга муҳим экани қайд этилди.

Минтақадаги вазиятнинг янада ривожланиши бўйича олий ва юқори даражадаги мунтазам алоқаларни давом эттиришга келишиб олинди.

ЎзА.

Халқаро конференция

МАРКАЗИЙ ВА ЖАНУБИЙ ОСИЁНИНГ ЎЗАРО БОҒЛИҚЛИГИ ВА ИСТИҚБОЛЛИ ҲАМКОРЛИГИ

Кеча “Марказий ва Жанубий Осиёнинг ўзаро боғлиқлиги: пойдевори, истиқболлари, геостратегик аҳамияти” мавзuida халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

Анжуман Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети томонидан Конрад Аденауэр жамғармасининг Марказий Осиё бўйича ваколатхонаси ва Марказий Осиё халқаро институтини билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Конференция ишида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари, Марказий ва Жанубий Осиё ҳамда бошқа қатор давлатларнинг ташқи сиёсий идоралари, парламентлари вакиллари, етакчи олим ва экспертлари қатнашди.

Тадбир давомида 2021 йил

июль ойида Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан ўтказилган “Марказий ва Жанубий Осиё: минтақавий боғлиқлик. Таҳдидлар ва имкониятлар” конференцияси яқунлари атрофида муҳокама ва таҳлил қилинди. Сўзга чиққанлар мазкур конференцияни юксак баҳолаб, ушбу анжуман савдо, иқтисодиёт, транспорт, коммуникация, маданият ва гуманитар ҳамкорлик бўйича ўзаро манфаатли стратегик лойиҳаларни ишлаб чиқишда ўзига хос майдончага айланганлигини қайд этишди.



ОКРУГ САЙЛОВ КОМИССИЯЛАРИ АЪЗОЛАРИ ЎҚИТИЛМОҚДА

Давлат бошқаруви академиясида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссиялари аъзолари учун ўқув семинари ўтказилди.

Марказий сайлов комиссияси томонидан тасдиқланган Сайлов комиссиялари аъзолари малакасини оширишни ташкил этиш концепцияси асосида уюштирилган ушбу тадбир очилишида Марказий сайлов комиссияси, Давлат бошқаруви академияси, Тошкент давлат юридик университети раҳбарлари ҳамда профессор-ўқитувчилари, оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Кайд этилганидек, жорий йилда давлатимиз ва халқи-

миз ҳаётида муҳим сиёсий воқеа — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўлиб ўтади. Бу барча даражадаги сайлов комиссияларининг зиммасига улкан масъулият юклайди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан сайлов комиссиялари аъзоларининг сайлов қонунчилиги ва халқро стандартлар бўйича билиминини тизимли асосда шакллантириш муҳим вазифа сифатида белгиланган. Ушбулардан келиб чиқиб,

Мамлакатимиз мустақиллигининг 30 йиллиги арафасида матбуотда Президентимиз Шавкат Мирзиёев билан интервью эълон қилинди.

“Янги Ўзбекистон демократик ўзгаришлар, кенг имкониятлар ва амалий ишлар мамлакатига айланмоқда” сарлавҳаси остида берилган интервьюда

УЛУҒВОР ИСЛОҲОТЛАРИМИЗНИНГ ЮКСАК ТАҲЛИЛИ

Юртбошимиз интервьюда ёшлар, маданият ва спорт масалаларига ҳам алоҳида тўхталган. Жумладан, ижтимоий муаммоларни ҳал этишнинг мутлақо янги ҳамда ўзига хос тизими яратилгани, “ёшлар дафтари” йўлга қўйилиб, ёрдам ва кўмакка эҳтиёжи бор йигит-қизлар муаммолари жойида аниқланиб, самарали ечилаётгани таъкидланди.

Дарҳақиқат, бу янги тизим юзлаб ёшларнинг муаммоларини ҳал этишда қўл келяпти. Бошдан айтадиган бўлсак, “ёшлар дафтари”ни юритиш ҳамда улар билан янгича ишлаш тизимини йўлга қўйиш мақсадида республика бўйича 9 мингдан зиёд маҳаллалардаги 4 млн. 177 минг нафар ёш билан юзма-юз мулоқотлар ўтказилди. Натижада 579 минг нафардан зиёд навқирон авлод вакиллари ушбу дафтарга қиритилиб, уларнинг эҳтиёжи ва қизиқишидан келиб чиққан ҳолда, касб-хунарга ўқитиш, бандлигини таъминлаш, бизнес та-

шаббусларини қўллаб-қувватлаш, ижтимоий ғимоясини кучайтириш ва муаммоларини ҳал этиш бўйича ёшлар дастурлари ишлаб чиқилди.

Шу ўринда мазкур тизимларни электрон юритиш, ёшларга берилаётган имтиёзлар шаффофлигини таъминлаш, жойларда олиб борилаётган ишларни уч босқичда мониторинг қилиш имконини берувчи “yoshlardaftariuz” ягона электрон платформаси ишга туширилганлигини ҳам айтиш зарур.



ТАЪЛИМ ВА ИЛМ-ФАН ТАРАҚҚИЁТИ УЧИНЧИ РЕНЕССАНСГА ПОЙДЕВОР

Давлатимиз раҳбари интервьюсида мамлакатимиз тараққиётининг ҳозирги босқичида олдимизда турган энг устувор вазифалар ҳақида сўз юритар экан, “Биз янги шароитда маънавий-маърифий ишларни кучайтиришга интилоқдамиз. Бундай ёндашув — бугунги ва келгуси ривожланишимиз учун мустаҳкам пойдевордир”, дея алоҳида таъкидлади.

Дарҳақиқат, юртимизда таълим ва илм-фаннинг ривожлантирилиши учинчи Ренессансга мустаҳкам тамал тоши бўлади.

Шавкат Мирзиёев 2016 йилнинг 30 декабрида, яъни Президентлигининг ўн олтинчи кунидеёқ академиклар ва фан намоёндалари билан учрашди. Юртбошимиз учрашувда жамият олдида турган долзарб вазифаларни илм-фансиз ечиб бўлмаслигини таъкидлаб, фан ва олимларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, яратилган илмий-инновацион маҳсулотларни амалиётга кенг жорий этадиган тажриба-ишлаб чиқариш, конструкторлик-технологик корхоналар ва инноваци-

он марказларни ташкил этиш, “таълим — фан — ишлаб чиқариш” интеграциясини чуқурлаштириш, етакчи хорижий университетлар ва илмий марказлар билан халқро ҳамкорликни мустаҳкамлаш, номдор олимларини томонидан илмий мактабларни яратиш борасида дастурий фикр ва тақлифлар билдирди, мутасаддиларга тегишли топшириқ ҳамда кўрсатмалар берди.



ЎЗБЕКИСТОН ТОМОНИДАН ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН КОДЕКС БМТ БОШ АССАМБЛЕЯСИ 75-СЕССИЯСИНИНГ РАСМИЙ ҲУЖЖАТИ СИФАТИДА ТАРҚАТИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 2020 йил сентябрь ойида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 75-йўбилей сессиясида сўзлаган нутқида қатор муҳим ташаббуслар илгари сурган, шу жумладан, БМТ шафелигида Пандемиялар даврида давлатларнинг ихтиёрий мажбуриятлари тўғрисидаги халқро кодексни ишлаб чиқишни тақлиф қилган эди.

■ Биз ва жаҳон

Ўзбекистон раҳбари ўз мурожаатида ҳозирги таҳликали ва мураккаб вазият Ер юзидagi барча давлатлар ва халқлар ўзаро боғлиқ эканини исботлаганини таъкидлаб, халқро сай-ҳаракатларни бирлаштириш, ҳар бир инсоннинг асосий

ҳуқуқ ва эркинликларини, саломатлиги ва фаровонлигини таъминлайдиган адолатли глобал тизимни биргаликда яратишга чақирди. Давлатимиз раҳбари БМТ шафелигида бундай ҳужжатни ишлаб чиқиш ташаббусини ўртага ташлаб, унда ҳар бир давлатнинг ўз фуқаролари ва халқро ҳамкорлари олдидаги мажбуриятлари акс этиши лозимлигига эътибор қаратди.



Парламентдаги мухбиригимиз хабар қилади

ВАЗИРЛИК АХБОРОТИ ЭШИТИЛДИ



Президентимизнинг 2020 йил 30 октябрдаги Фармони 15-бандида Олий Мажлис палаталарига рейтинг кўрсаткичлари энг паст бўлган давлат органлари раҳбарларининг фаолиятини ҳар ярим йилликда танқидий муҳокама қилиш назарда тутилган.

Ўтган вақт давомида кўмида томонидан Фармон асосида натижадорликка эришиш масалалари ўрга-

нилиб, таҳлил қилинди. Ўрганишлар шуни кўрсатдики, Туризм ва спорт вазирлиги мазкур Фармон ижроси юзасидан ҳозирги кунга қадар 24 та вазирлик, идора ва ташкилот ҳамда ҳудудий ҳокимликлар томонидан спорт соҳасида амалга оширилган ишлар бўйича мониторинг ўтказган.



Акс садо

ЙЎЛЛАР ОБОД, КЎНГИЛЛАР ОБОД

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг интервьюсини ўқиб, тўлқинланиб кетдим. Қалбимда қувонч, фахр-ифтихор туйғулари жўш урди.

Ўтган асрнинг 60-йилларини элас-элас эслаيمان. Тошкентнинг эски шаҳар қисмида биринчи марта лой кўчалар тош кўчага, кейинроқ асфальт йўللарга алмашди. Асосан, ариқлардаги, жумладан, Анҳор каналдаги сувни тиндириб, қайнатиб ичиб юрган маҳаллаларга ичимлик суви тармоғи тортилди. Даставвал 400 — 500 метр масофада умумий кранлар ўрнатилди. 5 — 10 йиллар-

дан кейин хонадонларга сув тармоқлари қилиб борди.

Шуни яхши эслайманки, 60-йилларда озиқ-овқат, айниқса, нон маҳсулотлари қаҳатчилиги ҳукм сурган бўлса ҳам, кўчаларнинг обод қилиниши ва ичимлик суви тортиб келиниши бола-ларга ҳам, катталарга ҳам олам-олам қувонч бағишлаганди...



Миллий комиссия йиғилиши

ОДАМ САВДОСИ, БОЛАЛАР МЕҲНАТИ ВА МАЖБУРИЙ МЕҲНАТ

Мамлакатимизда буларга қарши курашишнинг самарали тизими йўлга қўйилган.

Кеча Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш бўйича миллий комиссиянинг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда миллий комиссия аъзолари, тегишли вазирлик ва идоралар, нодавлат но-тижорат ташкилотлари вакиллари, шунингдек, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси, миллий комиссия раиси Танзила Норбоева олиб борган мажлисда одам савдоси ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш борасида 2021 йилнинг биринчи ярмида амалга оширилган ишлар, қўрилган чоралар ҳамда ечимини кутаётган масалалар муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, ўтган даврда соҳанинг миллий қонунчилик асосларини такомиллаштириш ишлари изчил давом эттирилди. Хусусан, 2 та қонун, Президент Фармони ва Вазирлар Маҳкамаси қарори қабул қилиниб, амалиётга татбиқ қилинди. Шу билан бирга, Халқро меҳнат ташкилотининг Меҳнат хавфсизлиги ва гигиенасига кўмаклашиши асослари тўғрисидаги конвенцияси (Женева, 2006 йил 15 июнь) ратификация қилинди. Ушбу

ҳужжатлар асосида Ўзбекистонда илк маротаба одам савдосидан жабрланган ёки одам савдосидан жабрланган деб таҳмин қилинаётган шахсларни миллий даражада қайта йўналтириш тизими йўлга қўйилди.

Йиғилишда одам савдоси жабрлийдаларига ёрдам кўрсатиш, уларни реабилитация қилиш, шунингдек, хориждаги фуқароларимиз манфаатларини ҳимоялаш масалаларига ҳам алоҳида тўхталиб ўтилди. Одам савдосидан жабрланган, узок муддат хорижда бўлиб қайтган ва депортация қилинган аёлларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатилгани ҳам таъкидланди.

Этиборли жиҳати, мамлакатимизда одам савдоси, болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш бўйича олиб борилаётган ишлар халқро ҳамжамият томонидан ҳам эътироф этилмоқда. Жумладан, Халқро меҳнат ташкилоти, Халқро миграция ташкилоти, Жаҳон банки, Халқро молия корпорацияси, Европа Иттифоқи, АҚШ Давлат департаменти ушбу йўналишдаги сай-ҳаракатларни муносиб баҳоламоқда.



УЛУҒВОР ИСЛОҲОТЛАРИМИЗНИНГ ЮКСАК ТАҲЛИЛИ



➡ Унда 2021 йил август ҳолатига кўра 18 — 30 ёшдаги жами 6 млн. 283 минг 370 нафар йигит-қиз тўғрисида маълумотлар мавжуд.

Интервьюда ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида олиб борилаётган эзгу ишлар ҳақида ҳам сўз боради. Сўнгги йилларда давлатимиз раҳбари ташаббуси би-

лан ёшлар билан ишлаш борасида кенг қамровли саяё-ҳаракатлар амалга оширилди. Мисол учун мутлақо янги тузилма — Олий Мажлис палаталари ҳузурида Ёшлар парламентлари ташкил этилди. Бугунги кунда ушбу тузилмалар ёш кадрларнинг сиёсий фаоллигини кучайтиришга, уларнинг ижтимоий-иқтисодий соҳалардаги ислохотларга дахлдорлик ҳиссини

орттиришга, жойларда интилувчан, ташаббускор кадрлар заҳирасини шакллантиришга хизмат қилиб келмоқда.

Жорий йил 30 июнь — Ёшлар куни муносабати билан ўтказилган ёшлар ва талабалар форумида ҳам Президент томонидан навқирон авлод билан ишлашни янада такомиллаштириш, бу борада янги тизим яратиш юзасидан ўта муҳим вазифалар белгилаб берилди. Ўз навбатида, ёшлар билан ишлаш тизимини тубдан яхшилаш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, бандлигини таъминлаш ва тадбиркорликка кенг жалб этиш, кадрлар заҳирасини шакллантириш, ёшларни касб-хунар-га ўқитиш, саломатлигини асраш каби йўналишлардаги ишларни чуқур таҳлил қилиш орқали мутасадди раҳбарлар фаолиятини, шунингдек, ҳудудларни баҳолаш зарурлиги таъкидландики, бу бугунги кунда канчалик муҳимлигини тушуниш қийин эмас.

Ушбу масала давлатимиз раҳбарининг “Ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва уларнинг ижтимоий фаоллигини янада оширишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги Фармонида ўз ифодасини

топди. Унда ёшларга оид давлат сиёсатининг ҳудудларда амалга оширилиши бўйича рейтинг тизимини жорий этиш Сенатга тавсия қилинди. Шу муносабат билан Сенат томонидан ёшларга оид давлат сиёсатининг ҳудудларда бажарилиши бўйича рейтинг тизими йўлга қўйилди.

Интервьюда “Беш муҳим ташаббус” дастури ҳамда “Баркамол авлод” болалар мактаблари доирасида ёшларимизнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш учун жорий йилнинг ўзида 36 мингта қўшимча тўғрақ ташкил қилиниб, уларга 874 минг нафарга яқин болалар қамраб олинганлигига ҳам урғу берилдики, шунинг ўзидек баркамол авлодни тарбиялаш Ўртбошимизнинг доимий эътибори марказида бўлиб келаётганини кўрсатади. Шу мақсадда жорий йилнинг ўтган даврида таълим муассасалари, кутубхона ва ўқув марказларига қарийб 100 мингта санъат ва спорт инвентарлари ва компьютерлар ҳамда 600 мингта яқин китоблар етказиб берилди.

Карантин даврида аҳоли, хусусан, фарзандларимиз бўш вақтини мазмунли ўтказиш мақсадида ташкил этилган онлайн спорт мусобақалари-

га 326 мингдан ортиқ ўғил-қизлар жалб қилинган. Шунингдек, карантин қоидаларига қатъий риоя этган ҳолда “яшил” ҳудудларда спортнинг 42 та тури бўйича спорт тадбирлари ҳамда бадантарбия машғулотлари йўлга қўйилган.

Эътибор ва ғамхўрлик, яратиб берилётган шарт-шароитга жавобан ёшларимиз халқро мусобақалар, турнир ва фан олимпиадаларида катта ютуқларни қўлга киритмоқда. Бунинг ёрқин мисоли сифатида яқинда Токио шаҳрида бўлиб ўтган Олимпия ўйинларида ёшларимиз эришган улкан ютуқларни келтириш мумкин.

Умуман, Ўртбошимизнинг интервьуси биз шу пайтгача барча соҳада эришган ютуқлар ва олдимизда турган долзарб вазифалар таҳлили ўларок, ўзимизга қартилган кўзгу бўлдики, бундан кейинги фаолиятимизни ана шу асосда ташкил этсак, ютуқларимизнинг салмоғи янада ошиши, шубҳасиз.

Бахтёр САЙФУЛЛАЕВ,
Олий Мажлис Сенатининг
Ёшлар, маданият ва спорт
масалалари қўмитаси раиси.

Муносабат

РЕАЛ ВОҚЕЛИККА АЙЛАНАЁТГАН АМАЛИЙ ТАШАББУСЛАР

Мамлакат раҳбарининг интервьюсида демократик ислохотлар, ижтимоий-сиёсий жараёнинг бориши, уларнинг мазмун-моҳияти ҳақида сўз юритилди, мамлакат тараққиётини янги bosқичга кўтариш масаласига алоҳида эътибор қаратилди.



Давлат раҳбарининг демократик ислохотлар борасидаги фикрлари тўлиқ ҳаётий тажрибага асосланган. Ислохотлар туфайли бугун жамоатчилик назорати кучайди, ижтимоий фаол фуқароларимиз жамиятдаги камчиликлар, адолатсизликларни танқид қилмоқда, расмийлар фаолиятига баҳо бермоқда, ўз қарашларини баён этмоқда. Президент ҳам айнан шу нуқтага эътибор қаратиб, ОАВ ходимлари ва бошқа фуқаролардан ҳаётни борица ёритишни, ҳолатга, вазиятга ҳолисона баҳо беришларини кутмоқда.

Бугун одамлар онгида демократик ислохотларга, давлатга, тўғри олиб борилаётган сиёсатга ишонч пайдо бўлди. Энг яхши жамият ўз-ўзини танқид қиладиган жамиятдир. Президент ҳам “демократик жараёнлар ўзимизга сув билан ҳаводек зарур”дир дея таъкидлади. Бу сўзларнинг маъзида жамоатчилик фикри бугун давлат бошқарувида эътиборга олинмаётгани, тобора давлат ва халқ бирлигига эришиш йўлидаги ҳаракат натижа бераётгани турибди.

Давлат раҳбарининг интервьюсида мустақилликнинг сўнгги йилларида амалга оширилган ислохотларнинг амалий мисоллари келтирилган. Оддий инсонлар ҳаётда акс этган энг муҳим, кўриниб турган жиҳатларга эътибор қаратсак. Энг аввало, фуқаролар ўзларини қийнаб турган масалалар бўйича ҳақ-хуқуқларини сўраб бемалол мурожаат қила бошлади, сўз эркинлигига эриша бошладик, нақд пул муаммоси бартараф этилди, мажбурий меҳнатга барҳам берилди ва энг катта ислохотлардан бири — фуқароларнинг уй-жой муаммолари қай қилина бошлади. Бу борада тез фурсатда катта қурилишлар амалга оширилди. Биргина Бағдод тумани мисолида айтадиган бўлсак, бугун бу ерда барпо этилаётган 50 дан ортиқ қўп қаватли уйлар қурилатган Муруват шаҳарчаси бутун республика учун тажриба майдони бўлиб турибди.

Ўзбекистон 30 йил ичиди, албатта, давлат бўлиб шаклланди, дунёга танилди, бироқ бугунги жамият аввалги хато-камчиликлардан қутулишга бел боғлаган, Ватанини янги тараққиёт bosқичига олиб чиқишга интиляётган жамиятдир.

Ана шу йўлда бутун халқимизнинг ақиллиги, раҳбарлардан тортиб оддий инсонларгача — барча-барчанинг ватанпарварлиги, фидойилиги, тажрибаси мўҳимдир.

Сизу бизнинг олдимизда ўз юртимиз тараққиёти учун бор меҳримиз, бор билимимиз, меҳнатимиз, виждонимиз билан бугунимиз ва келгуси авлодимиз учун муносиб ҳаёт яратиш вазифаси турибди.

Сўхбат асосида галдаги муҳим вазифалар ҳамда йирик режалар ҳақида фикр юритилди. Уларни амалга оширишда давлат раҳбари барча юртдошларимизни бу улғу сафда бўлишга даъват этди, албатта бу бунёдкор халқимизнинг ҳам юрак амридир.

Гулбаҳор САИДҒАНИЕВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

ЎЗБЕКИСТОН ТОМОНИДАН ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН КОДЕКС БМТ БОШ АССАМБЛЕЯСИ 75-СЕССИЯСИНИНГ РАСМИЙ ҲУЖЖАТИ СИФАТИДА ТАРҚАТИЛДИ

➡ БМТ томонидан эълон қилинган кодексда пандемияларга қарши глобал миқёсда жавоб чора-тадбирлари қўриш бўйича халқро ҳамкорлик бирдамлик, очилиқ, ўзаро ёрдам ва инсон ҳуқуқларини таъминлаш тамойилларига асосланишининг муҳимлиги таъкидланган.

Ҳужжатда пандемиялар даврида мамлакатлар олдидида хавф-хатарларнинг олдини олиш ва уларни камайтириш бўйича ихтиёрий мажбуриятлар мустаҳкамланиб, хусусан, қуйдаги асосий чора-тадбирлар санаб ўтилган:

- 1) умумий қабул қилинган меъёр ва стандартларга мувофиқ, тиббий ёрдамдан тенг фойдаланишни таъминлаш, соғлиқни сақлаш муассасаларини жиҳозлаш, аҳолининг санитария-эпидемиологик фаровонлигини таъминлаш, уни зарур ҳимоя ва қўллаб-қувватлаш билан таъминлашга масъул бўлган хизматлар салоҳиятини кучайтириш;
- 2) қарорлар қабул қилишда очилиқ ва ошқоралиқни таъминлаш, фуқароларга масъулият ҳиссини тарбиялаш ва пандемиялар хавфини англаш орқали аҳолининг ҳаётдорлиги ва санитария-гигиена маданиятини юксалтириш;
- 3) иш жойида хавфсиз меҳнат шaroитларини яратиш, меҳнатни

муҳофаза қилишни таъминлаш, мослашувчан иш вақти ва масофадан ишлаш усулини жорий этиш, иш жойида камситилишларнинг олдини олиш, ходимларга ҳаётни таъминлаш объектларининг самарали ишлаши бўйича минимал шaroитларни тақдим этиш;

- 4) аҳолининг бандлигини иқтисодиётни рағбатлантириш ва корхоналарни қўллаб-қувватлаш, қўшимча иш ўринлари яратиш, иш ҳақини таъминлаш, ишсизлар ва ишсиз қолганларга, айниқса, аёллар ва ёшларга ёрдам кўрсатиш, шунингдек, қисқа муддатли қайта тайёрлаш ва малака ошириш дастурларини жорий этиш орқали қўллаб-қувватлаш;
- 5) аҳолининг ҳам таъминланган ва ёрдамга муҳтож қатламларини моддий ёрдамни кенгайтириш, муҳим товарлар ва бирламчи хизматлар тақдим этиш, хайрия фаолиятини рағбатлантириш, давлат-хусусий шериклик ва кўнгиллилар ўртасидаги ўзаро муносабатларни кучайтириш орқали ижтимоий ҳимоя қилишни таъминлаш;
- 6) озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ва товарларни узлуксиз етказиб бериш, озиқ-овқат ва қишлоқ ҳўжалиги савдо марказлари (бозорлар)нинг карантин қоидаларига риоя этилиши учун

минимал шарт-шaroитларни таъминлаш, шунингдек, зарур товарлар (озиқ-овқат махсулотлари, тиббий ашёлар, дори воситалари ва ҳ.к.) нархлари устидан давлат ва жамоатчилик назоратини амалга ошириш;

- 7) мамлакатлар ўртасидаги ташқи савдони ривожлантириш, пандемиялар тарқалишининг салбий таъсирига энг мойил бўлган иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларини қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирларни таъминлаш, шунингдек, ички ва трансчегаравий туризмни кенгайтириш учун зарур шарт-шaroитларни яратиш орқали туризм саноатини рағбатлантириш;
- 8) масофавий ўқишни ташкил этиш, таълим муассасаларида хавфсиз ўқиш шaroитларини яратиш орқали умрбод таълим олиш имкониятини таъминлаш;
- 9) инсоннинг асосий ҳуқуқлари экланишининг олдини олиш, меҳнат мухожирлари, қўчирилганлар ва қочқинларнинг ҳуқуқларини улар бўлиб турган мамлакатларда қафолатлаш, шу жумладан, ишсиз қолган меҳнат мухожирларига моддий ва ижтимоий ёрдам кўрсатиш, меҳнат мухожирларининг ўз ватанларига қайтиш учун транспорт ва транзит йўлақлари ишлашини таъминлаш;
- 10) иқтисодий ва гуманитар

ёрдам дастурларини амалга ошириш, пандемиялар билан боғлиқ вазият тўғрисида ишончли маълумот алмашиш, пандемиялар даврида давлатларо ва давлатлар ичидида низоларни тўхтатиб туриш ёки “музлатиш”, вакциналарни ишлаб чиқиш ва таъминлаш, барча мамлакатларни вакциналар ва дори-дармонлар билан тенг шaroитда таъминлаш бўйича халқро ҳамкорлик ва ўзаро ёрдамни кучайтириш.

Бундан аввалроқ Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) Ўзбекистоннинг пандемияга қарши глобал саяё-ҳаракатларга қўшган ҳиссасини оқийшлаган эди. ЖССТ Бош директори Тедрос Гебрейесус Ўзбекистон раҳбариятига йўлаган мурожаатда давлатимиз раҳбарига кодекс лойиҳасини ишлаб чиқишга қўмаклашишдаги узоқчи кўра билгани ва етакчилиги учун миннатдорлик билдирди.

Кодекс матни БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессияси расмий ҳужжати сифатида нашр этилиши, шубҳасиз, Ўзбекистоннинг пандемияга қарши қурашиш ва глобал шартномани ишлаб чиқиш борасидаги халқро саяё-ҳаракатларининг ўз ватанларига қайтиш учун транспорт ва транзит йўлақлари ишлашини таъминлаш, келгусидаги вазифалар белгилаб олинди.

«Дунё» АА.
Нью-Йорк.

«Халқ сўзи».

МАРКАЗИЙ ВА ЖАНУБИЙ ОСИЁНИНГ ЎЗАРО БОҒЛИҚЛИГИ ВА ИСТИҚБОЛЛИ ҲАМКОРЛИГИ

➡ Иштирокчилар томонидан сўнгги кунларда Афғонистондаги воқеалар кескин тус олаётгани минтақадаги вазиятни чуқур ва ҳар томонлама тушуниб этиш, тинчлик ва барқарорликни сақлаш йўлларини излаш ҳамда барқарор ривожланиш шарт-шaroитларини таъминлаш зарурлигини кўрсатиб бергани ҳам айтилди. Уларнинг фикрича, бу ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал этишга қўмаклашадиган лойиҳаларни амалга оширишда минтақа давлатлари ўртасида қўп томонлама ҳамкорликни мустаҳкамлаш юзасидан Тошкент конференциясида билдирилган тақлиф ва ташаббуслар долзарблигини ана бир бор исботлади.

Катнашчилар томонидан инвестиция, транспорт ва коммуникация, сув-энергетика, экология, маданий-гуманитар соҳалардаги долзарб муаммоларни тадқиқ этиш мақсадида

Марказий ва Жанубий Осиё мамлакатлари ўртасидаги ҳамкорликнинг назарий жиҳатларини ўрганиш, илмий тадқиқот йўналишларини аниқлаш масалаларига ҳам жиддий эътибор қаратди.

Муҳокамаларда иштирокчилар томонидан Тошкент конференциясида илгари сурилган ташаббуслар ижроси бўйича аниқ тақлифлар, шунингдек, ҳозирги замондаги муаммолар ва таҳдидларга қарши қурашиш учун минтақадаги ривожлантириш ҳамда салоҳиятини кучайтиришга қаратилган лойиҳаларни амалга оширишда халқро ташкилотлар ва фуқаролик жамияти институтларининг ролини мустаҳкамлаш юзасидан тавсиялар берилди.

Конференцияда баҳс-мунозаралар натижаларини умумлаштириб, унда кўтарилган муаммоларни ҳал қилиш бир йиллик вазифа эмас, деган

хулосага келинди. Зеро, бунинг учун юз бераётган жараёнларни доимий мониторинг қилиш, фундаментал ва амалий тадқиқотлар олиб бориш, тадқиқотчилар эътиборини тегишли илмий соҳаларга қаратиш зарур.

Шу нуқтага назардан, минтақалар салоҳиятини янада мустаҳкамлашда парламент ролини кучайтириш ва парламент дипломатиясидан унумли фойдаланиш мўҳим.

Илмий-амалий конференция якунлари бўйича китобхонларнинг кенг доираси учун мўлжалланган “Марказий ва Жанубий Осиё: минтақавий боғлиқлик. Таҳдидлар ва имкониятлар” мавзусидаги Тошкент конференцияси асосий натижа ва ютуқларини батафсил изоҳлаб берувчи услубий қўлланма тайёрлашга қарор қилинди.

«Халқ сўзи».

ОКРУГ САЙЛОВ КОМИССИЯЛАРИ АЪЗОЛАРИ ЎҚИТИЛМОҚДА

➡ Шу кунга қадар Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови жараёни ташкилотчиларининг сайлов қонунчилиги бўйича малакасини оширишга қартилган кенг қамровли машғулотлар бутун республика бўйлаб бир неча bosқичда ўтказилган. Навбатдаги ўқув машғулотида жами 266 нафар округ сайлов комиссиялари раиси, раис ўринбосари, котиби ҳамда аъзолар иштирок этипти.

Семинар-тренинг Давлат бошқаруви академияси ва Тошкент давлат юридик университети профессор-ўқитувчиларидан иборат экспертлар гуруҳи томонидан ишлаб чиқилган ўқув дастури

ҳамда ўқув-методик материаллар асосида олиб борилади.

Икки кун давом этадиган ўқув машғулотлари давомида округ сайлов комиссиялари фаолиятини ташкил қилиш, округ ва УСҚ бинолари ва овоз бериш хоналарини жиҳозлаш, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловининг конституциявий-ҳуқуқий асослари, сайловни ўтказувчи сайлов комиссиялари билан ва вазифалари, сайловчилар рўйхати билан ишлаш каби мавзулар кенг қамраб олинади.

Раҳим ШЕРҚУЛОВ
(«Халқ сўзи»).

ҲАР БИР МУРОЖААТ ОРТИДА ИНСОН ТАҚДИРИ БОР

Тўртқўл туманида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Оролбўйи минтақасини ривожлантириш масалалари қўмитаси раиси Б. Алиқонов иштирокида учрашув бўлиб ўтди.

Сенатор ва ҳаёт

Тадбирда Олий Мажлис Сенатининг ўн еттинчи ялпи мажлисида қўриб чиқилган масалалар, жумладан, маъқулланган қонунларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти хусусида атрафлича сўз юритилди. Зеро, мамлакатимизда амалга ошириляётган бунёдкорлик ишлари, аҳоли фаровонлигини таъминлаш ҳамда жамият ва давлат бошқарувининг барча йўналишдаги тўз ўзгаришлар ва ислохотларнинг самарали кечилишида парламент юқори палатаси томонидан маъқулланган шу каби ҳужжатларнинг аҳамияти беҳисобидир.

Учрашувда Президентимизнинг 2020 йил 11 ноябрдаги

“2020 — 2023 йилларда Қорақалпоғистон Республикасини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарориди белгилаб берилган вазифаларнинг амалга оширилиши ҳамда тасдиқланган лойиҳаларнинг ижро ҳолати кенг муҳокама қилинди.

Ўз навбатида, фуқароларнинг мурожаатлари билан ишлаш ҳолати чуқур ўрганилиб, шу юзасидан масъулларга тегишли тавсия ва кўрсатмалар берилди.

Шунингдек, Президентимизнинг “Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 2021 йил 18 майдаги

“Оролбўйи минтақасини экологик инновациялар ва технологиялар ҳудуди деб эълон қилиш тўғрисида” ги махсус резолюциясини амалга ошириш чоралари тўғрисида” қарори муҳокама марказида бўлди.

Бу резолюциянинг қабул қилиниши Қорақалпоғистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш, Орол денгизининг атроф-муҳитига салбий таъсирини камайтириш ва Оролбўйи минтақасида замонавий инновация технолоияларни жорий қилиш орқали ҳудудда яшовчи аҳолининг турмуш тарзини янада ошириш

сари ташланган навбатдаги далил қадам эканлиги алоҳида қайд этилди.

Шунингдек, мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда фаоллик кўрсатиб келаётган бир гуруҳ йигит-қизлар билан учрашув ўтказилди. Мулоқотда олий ўқув юртларига ўзларининг фан олимпиадалари ва бошқа йўналишларда фаол қатнашиб, юқори кўрсаткичларга эришиши ҳисобига имтиёз асосида қабул қилинган ўнлаб ёшлар эсдалик совғалар билан тақдирланди.

«Халқ сўзи».

ВАЗИРЛИК АХБОРОТИ ЭШИТИЛДИ

➡ Яъни “Саломатлик йўлақлари”, стритбол, бадминтон, мини-футбол ва “Workout” майдончаларини ташкил этиш, ташкилотларда оммавий спорт тадбирлари ва мусобақаларини ўтказиш, мазкур йўналишдаги ишларни молиялаштириш, “Спорт тарбиётчилари” фаолиятини самарали ююштириш, уларни рағбатлантириш, ходимларга ишдан бўш вақтларида спорт билан шугулланиши учун яратиб бериляётган имкониятлар мониторинг қилиб бориладиган.

Тадким этилган ҳисоботга кўра, меҳнат жамоаларида соғлом турмуш тарзи ва оммавий спортни ривожлантириш мақсадида жорий йилнинг 1 январидан бошлаб спорт тарбиётчилари лавозимини жорий этилиб, лавозим эгасининг маошига 20 фоиз миқдориди устамга тўлаш йўлга қўйилиши белгиланган эди. Мавжуд вазирлик, идора ва ташкилотларда жами 464 та спорт тарбиётчилари лавозимни ташкил этилган ҳолда, улар ойлигига белгиланган миқдорда устамга тўлаб келинмоқда.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, оммавий жисмоний тарбия тадбирлари ва спорт мусобақаларини ўтказиш учун Андижон, Қашқадарё вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳар туризм ва спорт бош бошқармалари ҳамда 170 та туман ва шаҳарларга 2021 йилда умуман маблағ ажратилмаган. Лекин тақдим этилган маълумотларда жорий йилнинг ўтган 5 ойи давомида 9190 та маҳаллада ўтказилган 74963 та спорт мусобақаси ва тадбирларига 5,4 млн. на-

фар ёки жами аҳолининг 16 фоизи жалб қилинган.

Йигилишда халқ вакиллари жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги фундаментал, амалий ва инновациялар лойиҳалар учун 2021 йилдан бошлаб ҳар йили 10 миллиард сўмдан кам бўлмаган миқдорда грант маблағлари ажратилиши белгилангани таъкидлади.

Тадбир сўнгиди билдирилган тақлифлар асосида қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

МАҲАЛЛАБАЙ ИШ ОЛИБ БОРИШНИНГ МОҲИАТИ НИМАДА?

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитаси “Маҳаллабай ишлаш тизими ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг янги йўналиши” мавзусида семинар ўтказди. Унда парламент қўйи палатаси депутатлари, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги вакиллари қатнашди.

Семинарда маҳаллабай ишлаш тизими орқали “огир” маҳаллаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, уларда оилавий тадбиркорликни кенгайтириш, аҳолининг даромад манбаларини кўпайтириш ва ишсизликни бартараф этиш, шунингдек, маҳаллаларнинг “ўсиш нуқталари”ни аниқлаш ва янги тадбиркорликни, жумладан, “драйвер”

лоийҳаларни амалга оширишда ташаббускорларга қўмаклашиш борасида бажариляётган ишлар муҳокама қилинди.

Қайд этилганидек, кейинги пайтда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, маҳаллаларда бизнесни йўлга қўйиш истидага юрган фуқароларни қўллаб-қувватлаш, банд бўлмаган аҳолининг, айниқса, ишсиз

ёшлар ва хотин-қизларнинг муаммоларини ўрганиш орқали уларни касб-хунар ва тадбиркорликка ўргатувчи курсларга йўналтириш бўйича тизимли ишлар амалга оширилипти.

Шунингдек, ҳудудларда маҳаллабай ишлаш тизимини жорий этиш орқали аҳолининг даромадли меҳнат билан бандлигини таъминлаш механизмларини янги bosқичга олиб чиқиш, ёшлар ва хотин-қизларнинг тадбиркорлик ташаббусларини амалга ошириш борасида молиявий қўмаклашишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Халқ вакиллари етакчи тадбиркорларга кооперация асосида ишлаётган фуқаро томонидан ишлаб чиқариляётган (етиштириляётган) махсулотларни сотиб олиш ёки шартномага асосан, фуқарога ойлик иш ҳақи тўлаш шарти тизими йўлга қўйилиши натижасида келгусида етакчи тадбиркорларнинг иқтисодий манфаатларига зарар етилиши эҳтимоли мавжудми, деган савол билан Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги вакилларида юзланди.

Бугунги кунда ҳам маҳаллани энг қўйи поғонадаги халқ-

Мунисон КАРИМОВА.

ЙЎЛЛАР ОБОД, КЎНГИЛЛАР ОБОД



Мустақилликнинг кейинги беш йилнинг дастлабки йиллари мамлакатимизда аҳолининг турмуш тарзи ва шароитлари ўрганилди, ҳар бир хонадонга кириб, ҳар бир фуқароннинг яшаш шароитлари билан танишилди. “Обод қишлоқ”, “Обод маҳалла” дастурлари тузилди, “темир дафтар”, “аёллар дафтари”, “ёшлар дафтари” шакллантирилди ва ҳаётга жорий этила бошланди.

Мамлакатдаги ҳар бир инсоннинг таълими, гами, муаммосини, аини пайтда қувончи, ғалабасини ўзиникидек кўриб келаётган Президентнинг таъаббуслари билан амалга оширилаётган барча ишлар замида чуқур тажриба ва мантиқ ётибди. Бир тасаввур қилайлик: бир қарчирой кейиш мактабига борадиган боланинг кайфияти қандай бўлади-ю, оладиган билими қандай бўлади? Ариқ ёки каналдаги, қари борса, сув ташувчи машинадаги сувни истемол қилиш, эҳтиёжларга етказишга интилиш, сифатсиз сувнинг саломатликка таъсири, айниқса, бу йил ёз шароитида сув танқислиги каби

омиллар инсон кайфиятига қандай таъсир кўрсатади? Буларнинг ҳаммаси эса одамдаги энг яхши фазилатларнинг: инсонпарварлик, поклик, ҳалоллик, ҳушмуомалалик, ватанпарварликнинг шаклланишида асосий омиллар эканини яхши биламиз.

Мана нима учун “Обод маҳалла” дастурига алоҳида эътибор қаратилди?! Амалга оширилган ишларнинг саногига етиб бўлмайди: катта шаҳарларимизда ўн йиллар мобайнида сув босиб, чивинхона бўлиб ётган подваллар қурилди. “Чин сўзим, ағанаб тушмайман”, деб турган 50 — 60 йиллик электр симёғочлар янгиликларига алмаштирилди. Халихануз табиб келтирилаётган сувни челақлаб ўйига олиб бориб юрган келинларимиз ва қизларимиз уйларнинг ичига ўрнатилган қранчлардан баҳраманд бўлиш нима эканини англаб етмоқда. Жорий йилда энг чекка қишлоқларга ҳам жуда бўлмаганда тош йўллар тортилди, босқичма-босқич асфальт қилишга киришилди. Янги мактаблар, болалар боғчалари қурилди, эскилари таъмирланмоқда. Одамларга, айниқса, ёшлар-

га қишлоқ жойларда ер берилмоқда. Натижада шаҳару қишлоқларимизнинг сурату сийрати ижобий томонга кескин ўзгарди. Ишсизлик, айниқса, жорий йилда кескин камаё бошлади ва албатта, одамларимизнинг кайфияти яхши томонга ўзгармоқда.

Куни кеча Жиззах вилоятининг Мирзачўл тумани марказида, жазирма иссиқда рюкзак тақиб олган болакайни тўхтади: “Болам, қайқа кетясан?” деб сўраганимда “Инглиз тили дарсига”, деганди қувончадан бошим осмонга етди... Жиззах шаҳрида очилган замонавий технологиялар институтига ҳужжат топшираётган баҳмаллик оддий қишлоқдан келган, лекин инглиз тилини ўзлаштириб олган қизлар, француз ёзувчиси Дрюоннинг “Соҳибқирон Амир Темур” асари мавзусини айтиб берган қамашилик 80 ёшли Эргаш ота, Олмалик, Охангарон, бошқа шаҳар ва узоқ қишлоқларга вагончаларда жиҳозланган “Гўзаллик салонлари”, бир эмас, бир неча хорижий олий ўқув юртиларига кириб улгурган ургутлик ёшлар, рес-

публика асал кўргазмасида иккинчи ўринни олган бухоролик ёш асалчилар, Марғилон ва Бойсундаги эгизак ҳўнармандчилик масканлари, ҳар автобус бекатида ўша ерга хос иссиқ тандир нониин харид қилиш имконияти — буларнинг ҳаммаси ҳозирги кун воқелиги.

Қариялар, боқувчисини йўқотганлар, ногиронлиги борлар, етимларга давлат томонидан кўрсатилаётган гамхўрлик, қурилаётган кўркем уйлар, нуронийларнинг иззат-эътиборда экани ҳам кунимизнинг воқеликлари.

Ислом олами ва дунё тамаддунига бебаҳо ҳисса қўшган улуг аждодларимиз: Хоразмий, Фарғоний, Беруний, Ибн Сино, Термизийлар, Бухорий, Улугбек, Навоий ижодини ўрганиш, тарғиб қилиш, ислом динининг асл тинчлик, эзгулик ва бағрикенглик моҳиятини англаш ҳамда англатиш мақсадида ташкил этилган Имом Термизий, Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот марказлари, Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази, Буюк муфассирлар ва муҳаддислар аъёнларини давом эттирадиган юқори малакали ва чуқур илмий илоҳиётшуносларни

Ҳазрати Навоий эл ғамини ўйлайдиган инсонни тараннум этганди. Куни кеча оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган интервьюда давлатимиз раҳбари, жумладан, шундай деди: “Ўзбекистон Республикаси



Шоазим МИНОВАРОВ,
Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси
маркази директори.

Президенти сифатидаги фаолиятимнинг маъназмунини ташкил этадиган энг улуг мақсад — халқимизнинг тинч ва осойишта, эркин ва фаровон ҳаёт ҳақидаги орзу-умидларини рўёбга чиқариш йўлида сидқидилдан фидокорона хизмат қилишдан иборатдир”.

Йўллар ва кўнгишлар ободлиги сари қадамларимиз бардавом, халқимизни рози қилиш учун олиб борилаётган олижаноб фаолият хайри ва самарали бўлсин.

норларини кескин оширишдан бошлаб, то шу ергача ўқиганларингизнинг ҳаммаси эъзоз эмасми?!

Булarga яна илмий ҳодимлар олийш ҳақларининг кескин ошганлигини, серқирра фаолияти ва илмий ўтуқлари учун фан номзодлари (фалсафа докторлари) ва фан докторларининг лавозим маошлари мос равишда 30 ва 60 фоизгача миқдорларда устамалар белгиланганлиги, докторлик диссертациясини ўқиш муддати тамом бўлмасдан химоя қилганларга, уларнинг илмий раҳбарлари ёки маслаҳатчиларига ўқиш муддатининг қолган даври учун кўзда тутилган стипендиянинг ҳамда қарабқилиш тўловларининг жами миқдори бир марталик мукофот шаклида берилмаётганлигини ва ана бир қанча сийловларини қўшимча қилиш мумкин.

Илм аҳлининг, олимнинг обрўси қайта тикланди, у қундан-қунга ошиб бораётган бир даврда танчан докторантура ва докторантура таълимига ўтилгани айна мудоа бўлди. Ёш тадқиқотчилар 3 — 5 йил ичидан фаннинг тегишли тармоғи бўйича фалсафа доктори илмий даражасини олишга эришмоқда. Биргина бизнинг институтда 30 нафар тадқиқотчи докторлик диссертациясини химоя қилди.

Амир Темур тузуқларида шундай дейилган: “Софдил кишилар, саййидлар, олимлар ва фозиллар даргоҳим доим очик эди”. Шавкат Мирзиёев илм-фан ва тадқиқот, таҳриб ва амалиёт машаққатларини бошидан ўтказган инсон сифатида олимларни доимо эъзозлаб келмоқда. Академикликка ўзининг ҳақиқий мақомини беришдан, уларнинг го-

Президентимиз ишонганидек, қалъанинг биринчи ташти устуни — боғча тарбиячиси жажжи болажонларнинг тилини чиқариб, ақлини пешласин, иккинчи устуни — мактаб муаллими яхши ўқитсин, учинчи устуни — профессор ёки доцент талабаларни замонавий билимлар билан қуроллантирсин, тўртинчи устуни — олимлар “Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида” ҳамда “Инновация фазолият тўғрисида”ги қонунларда белгилаб қўйилган тартибларга амал қилиб, имтиёзлардан фойдаланиб ҳамда Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясидан келиб чиққан ҳолда жаҳон тан оладиган тадқиқотларни бажарсин, бешинчи устуни — ота-оналар оилаларда болажонларни, ўқувчиларни, талабаларни билимсевар, ватансевар қилиб тарбияласин.

Муҳаммад ТОШБОЛАЕВ,
Қишлоқ хўжалиги механизациялаш
илмий-тадқиқот институт
директорининг илмий ишлар ва
инновациялар бўйича ўринбосари,
техника фанлари доктори, профессор.



ХАЛҚАРО ФАН ОЛИМПИАДАЛАРИ ҒОЛИБ ВА СОВРИНДОРЛАРИГА ПУЛ МУКОФОТЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Токио шаҳрида бўлиб ўтган XXXII ёзги Олимпиада ўйинларида ғолиб ва совриндорлар сафидан жой олган спортчиларимиз давлатимиз раҳбари томонидан пул мукофотлари, тураржой ҳамда машиналар, шунингдек, яна бир гуруҳ атлет ва мураббийларимиз ордон ва медаллар билан тақдирланди.

Рағбат

Мақкур ҳолат кўпчилик юртдошларимизни қувонтирган бўлса-да, ижтимоий тармоқларда фан олимпиадалари ғолиблари нега бу даражада рағбатлантирилмайди, деган мазмундаги эътирозлар ҳам пайдо бўлди.

Шу ўринда эслатиб ўтиш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3 майддаги “Иқтидорли ёшларни аниқлаш ва юқори малакали кадрлар тайёрлашнинг улусқис тизимини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ мамлакатимизда фан олимпиадалари ғолибларини рағбатлантиришнинг янги тизими жорий этилган. Шу асосда халқаро миқёсда тан олинган фан олимпиадалари ғолиблари ва уларнинг устозлари пул мукофотлари ҳамда қимматбаҳо совғалар билан рағбатлантириб келинмоқда.

Халқ таълими вазирлиги томонидан нуфузли халқаро олимпиадаларнинг ғолиблари ва уларнинг ўқувчиларини тақдирлаш маросими ташкил этилди. Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари Бехзод Мусаев жорий йил халқаро фан олимпиадаларида олтин медаль соҳибига бўлган ҳар бир ўқувчи базавий ҳисоблаш миқдори (БХМ)нинг 500, ўқувчилари эса 450, қумуш медаль соҳиблари 300, ўқувчилари 250, бронза медаль олганлар 200, ўқувчилари эса 150 баравари миқдорда пул мукофотлари билан рағбатлантирилиши маълум қилди. Шу тарика жорий йил фан олимпиадаларида олтин медални қўлга киритганларга 122,5 қумуш медаллар соҳибларига 73,5, учинчи ўринни олганларга эса 49 миллион сўм миқдорда пул мукофотлари топширилди. Тадбирда уларнинг устозлари ҳам муносиб рағбатлантирилди.

Жорий йилда дунёда тан олинган математика (IMO), физика (IPhO), химия (ICHO), биология (IBO), информатика (IOI) бўйича халқаро нуфузли фан олимпиадаларида қатнашган ўқувчиларимиз жами 10 та — 3 та олтин, 2 та қумуш ва 5 та бронза медалини қўлга киритди. 2020 йилдаги тақослаганд медаллар сони 4 тага қўпайганини, натижалар йилдан-йилга яхшиланиб бораётганини кўриш мумкин.

— Халқаро фан олимпиадаларида рақобат, талаблар жуда қучли, яхши натижа учун йиллар давомидида тайёргарлик қуриш керак, — дейди Японияда ўтказилган 53-халқаро химия олимпиадасининг олтин медаль соҳибига, Тошкент педиятига тиббиёт институти қошидаги академик лицей ўқувчиси Собиржон Аманов. — Олимпиадада асосий рақобатчиларимиз АҚШ, Хитой, Россия, Сингапур, Вьетнам каби давлатларнинг вакиллари бўлди. Бу каби олимпиадаларда уч маротаба қатнашганман ва бронза ҳамда қумуш медалларини олиш насиб қилган. Келажақда биокимё соҳасига оид актив моддалар синтези йўналишида илмий ишлар олиб бормоқчиман.

Инобат АХАТОВА
(«Халқ сўзи»).

ТАЪЛИМ ВА ИЛМ-ФАН ТАРАҚҚИЁТИ УЧИНЧИ РЕНЕССАНСГА ПОЙДЕВОР

Бу бежиз эмас эди. Чунки Ўзбекистон Фанлар академияси кейинги чорак асрда ўз яхлитлигини йўқотганди. Бир қатор илмий-тадқиқот муассасалари юзаси асослар ва шошмашошарлик билан олий ўқув юртилари таркибига қўшиб юборилди. Бу қўшилганларга ҳам, қўшиб олганларга ҳам фойда келтирмади: таълим ва фанни режалли бошқариш тизими мураккаблашиб кетди, илмий ҳодимлар, айниқса, ёш олимлар қўнимсизлиги юзаси келди, энг ёмон, фундаментал тадқиқотлар қўламини дамарасонга пугур етди.

1995 йилдан кейин академиклар сайловлари ўтказилмагани оқибатида уларнинг сони 63 нафарга тушиб қолди. Олимлар орасида академикликдек юксак илмий унвонга ҳурмат, ишонч ва интилиш пайсаиб кетди. Илм-фани жаҳон андозалари даражасидаги илмий ишлар билан боийтиш, тан олинган мактаб яратиш сингари академикликка хос белгилар, унсурлар ўз долзарблиги, аҳамиятини йўқота бошланди.

Бу камчиликларнинг фаннимиз келажигага кўрсатадиган салбий таъсир даражасини теран англаган Президентимиз ўзининг 2017 йил бошларидаги қарори билан олий қўйилган илмий-тадқиқот муассасаларини Фанлар академияси таркибига қайтарди. Бу академик фаннинг инновацион ривожланишига катта туртки бермоқда. Мисоллар қўп. Масалан, Математика институтидagi илмий мактаблар ютуқларининг жаҳон миқёсида тан олинаётгани бунинг далилидир.

Президентимизнинг 2017 йил охиридаги Фармонига мувофиқ, ўзининг илмий ишлари билан мамлакатимиз ва халқаро миқёсда ном қозонган 32 нафар истеъдодли олимимиз академик деган юксак шарафга сазовор бўлди.

Илгор хорижий тажрибалар, жаҳон фаннинг замонавий ютуқлари, инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологиялар асосида мамлакатимиз иқтисодийетининг барча тармоғи ва ижтимоий соҳани жадал инновацион ривожлантиришни таъминлаш мақсадида Инновацион ривожланиш вазирлигининг ташкил этилгани оламшумул воқеа бўлди.

Кайд этиш жоизки, қайси олий таълим ва илмий муассаса ушбу вазирлик тизимида Президентимизнинг тегишли қарори билан ташкил этилган Илгор технологиялар маркази кучи ва имкониятларидан тўғри фойдалана олаётган бўлса, у мақсадли илмий-техник ва инновация дастурларини дунё стандартлари да-

ражасида бажариш, хорижий давлатларда патентлаштириш имконияти бўлган илмий ҳажмдор ва илгор технологияларни яратиш, тадқиқотларга халқаро грантларни жалб этиш борасида катта ютуқларни қўлга киритмоқда.

Биламизки, ҳар қандай турдаги лойиҳа, у фундаментал бўладими ёки амалий, инновациями, барибир якунида жорий этилиши керак. Акс ҳолда

“Президент Шавкат Мирзиёев учинчи Ренессанс қалъасининг пойдеворини изчиллик билан барпо этмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 30 июнь — Ёшлар кунига бағишланган тантанали маросимда кўзлари чақнаб турган йигит-қизларга қарата “Бугун биз давлатимиз ва жамиятимизнинг бор куч ва имкониятларини сафарбар этган ҳолда, мамлакатимизда Учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш йўлида катта қадамлар қўймоқдамиз”, дегани фикримизнинг исботидир.

олинган натижалар ҳисобот шаклидаги “ўлик мол” бўлиб, китоб жавонларида қолиб кетаверади. Президентимиз 2018 йилда қабул қилган учта қарор илмий ҳажмдор маҳсулотларни амалиётга жорий этишни тезлаштириш механизмларига бағишланган. Биз, олимлар, илмий ҳажмдор маҳсулотларни яратувчилар ва ишлаб чиқариш субъектлари (кластерлар, заводлар, фермерлар, тадбиркорлар ва бошқалар), шундай маҳсулотларнинг яридорлари, бююртмачилари ушбу қарорларда белгилаб берилган механизмлардан омилкорлик билан фойдаланишимиз зарур.

Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 7 майддаги “Иқтисодий тармоқлари ва соҳаларига инновацияларни жорий этиш механизмларини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори билан олий таълим ва илмий муассасаларда илмий ишлар бўйича проректор ҳамда директор ўринбосари ўрнига мос равишда илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор ҳамда директор ўринбосари лавозимлари киритилди. Хар икки лавозимдаги олимларнинг масъулияти ошди. Олий таълим муассасалари тузилмасида инновацион жамғармалар ва илмий-инновацион ишланмаларни тижоратлаштириш бўйича бўлимларини ташкил этишга рух-

сат берилгани ҳам қутилган самарани бераётганига ишончимиз қомил. Чунки асосий вазифаси талабаларни ўқитиш бўлган педагогика дорсдан кейин ўзи олган илмий натижаларни жорий этган деб, идорам-идора югуриб юрмайди — бу ишларни шу бўлимлардан бажаради.

Президентимизнинг 2018 йил 14 июлдаги “Илмий ва илмий-техника-

сафий кенгайишини таъминлайди. Сир эмаски, илм “бакалаврият — магистратура — докторантура” тизими доирасида ривожланади. Алоҳи бакалаврдан иқтидорли магистр, ундан истеъдодли фан доктори чиқади. Президентимизнинг 2021 йил 22 июндаги қарори билан бакалаврлар ва магистрлар тайёрлаш бўйича давлат бююртмаси оширилгани, тегишли тавсияномаларга эга бўлган хотин-қизлар учун кундузги бакалаврият бўйича қўшимча 2000 та давлат гранти асосида ўрин ажратилгани, абитуриентларга бештагача бакалаврият таълим йўналиши бўйича танловда иштирок этиш ҳуқуқи берилгани, Олимпия йўналиши ва жаҳон чемпионлари ғолибларининг бакалавриятга кириш имтиҳонларисиз қабул қилиниши алоҳи бакалаврлар ва бориб-бориб қучли олимлар сонининг кескин ошшишга хизмат қилади.

Бакалаврлар, магистрлар ва мустақил тадқиқотчилар сони ошиб бораётган бир даврда танчан докторантура ва докторантура таълимига ўтилгани айна мудоа бўлди. Ёш тадқиқотчилар 3 — 5 йил ичидан фаннинг тегишли тармоғи бўйича фалсафа доктори илмий даражасини олишга эришмоқда. Биргина бизнинг институтда 30 нафар тадқиқотчи докторлик диссертациясини химоя қилди.

Амир Темур тузуқларида шундай дейилган: “Софдил кишилар, саййидлар, олимлар ва фозиллар даргоҳим доим очик эди”. Шавкат Мирзиёев илм-фан ва тадқиқот, таҳриб ва амалиёт машаққатларини бошидан ўтказган инсон сифатида олимларни доимо эъзозлаб келмоқда. Академикликка ўзининг ҳақиқий мақомини беришдан, уларнинг го-

вий фаолият натижаларини тижоратлаштириш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори билан илмий натижаларни тижоратлаштиришда илмий ва олий таълим муассасаларининг асосий вазифалари, сотиш усуллари, тижоратлаштиришга грант маблағларини ажратиш тартиблари аниқ белгилаб қўйилди. Шундан кейин лойиҳа раҳбарларининг тижоратлаштиришга бўлган лоқайдликлари йўқолди, чунки патентланган интеллектуал мулк объектларининг муаллифлари муассасанинг бюджетдан тақрири маблағлари ҳисобидан энг кам иш ҳақининг ўн баробари миқдорда рағбатлантирилмоқда. Тижоратлаштиришда қатнашган муаллифлар ва илмий жамоа мос равишда шу тадбирдан тушган маблағнинг 40 ҳамда 30 фоизи миқдоридида мукофотланидиган бўлди.

Илм-фаннинг пойтахтда “вилмиқ” ёлмасдан ҳудудларга, димо-ятларга дадиллик билан кириб бораётгани диққатга сазовордир. Мақсус қарор билан бир қатор туманларнинг инновацион ҳудудларга айлантирилаётганлиги, вилоятларда Инновацион ривожланиш вазирлиги бошқармалари ташкил этилгани илм-фан ютуқларининг ҳудудлар ишлаб чиқаришига кенг жорий этилиши ҳамда ёш тадқиқотчилар ва олимлар



Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 848. 32 300 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоноси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юқлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.



Таҳририятга келган қўёғмазар тақриз қилинмайдиган ва муаллифга қайтарилмайдиган.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан сақдаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.
Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• **МАНЗИЛИМИЗ:**
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — Д. Улугмуродов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббев.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.30 Топширилди — 23.30 1 2 3 4 5 6

Халқ сўзи

Народное слово



МУАССИСАЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши